

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
КУТУБХОНАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2009

**78.342**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

|                 |                |
|-----------------|----------------|
| Тузувчи         | М.Матмурадова  |
| Мухаррир        | Шукур Қурбон   |
| Масъул муҳаррир | Ҳ.Маматраимова |
| Матн терувчи    | З.Жалилова     |

Ўзбекистон – Ватаним маним: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Мухаррир Шукур Қурбон; Масъул муҳаррир Ҳ.Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009. -30 б.

**КБК 78.342+83.3 (5 Ў)**

Она-Ватанга муҳаббат, Ватанпарварлик туйғуси акс эттирилган бадиий асарлар маънавий бойликлардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу методик-библиографик қўлланмада юртга садоқат мавзусининг баъзи масалалари ёритилган.

Қўлланмадан кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассислари ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 й.

## Мукаддима

Туғилган маконни алишиб бўлмас,  
Ватанни қўл билан ясаб бўлмайди.  
Юрт дея жон бермоқ меросдир, бирок  
Ватан абадийдир, Ватан ўлмайди.

*Мунаввара*

Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним! Шоир ҳақ сўзни айтган: одам фарзанди учун Ватан бамисоли онадай, бамисоли отадай, бу ёруғ оламда битта, ягона. Ватан борки, биз бормиз. Она бор меҳрини фарзандига атаганидай, Ватан бошида кулган қуёш бизни ўз ҳарорати оғушида эркалайди. Унинг бағрида кулган баҳор – бизнинг баҳоримиз. Ватан эришган зафар – бизнинг кўчамизда байрамларни бошлайди. Унинг оламда қозонган обрў-эътибори, мавқеидан ҳар биримизнинг чеҳрамизда нур, кўзимизда чакмоқ, бошимиз тоғлардай сарбаланд, қаддимиз қоялардай тик. Она-Ўзбекистонимиз биз учун шундай тенгсиз, ягона, эъзозли маъво, танҳо Ватан, бебаҳо қадрият.

Ватанга садоқат, она-юртга муҳаббат ҳисси киши қалбидаги энг бебаҳо туйғудир. Шоирлар она-Ватанга садоқат мавзусини оташин мисраларда мадҳ этса, истеъдодли ҳофизлар бунди дилбар наво, соҳир овоз ила куйлайди. Шуниси ҳам борки, Ватан ҳақида сўз айтмоқ, она-юртга муҳаббатни тараннум этмоқ осон юмуш эмас. Бунинг ўзига яраша масъулияти, юки бор. Бетакрор санъат асарлари, ёш авлод қалбида ўзи туғилиб-ўсган маконини улуғлаш ва уни кўз қорачиғидек асрашга интилиш ҳис-туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Она-Ватан мавзусидаги асарлар кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фондларида ўз аксини топган. Улар бундай мавзудаги асарларни китобхонлар ўртасида тарғиб қилишлари лозим. Бу ишда мутахассислар қўлланмада келтирилган намунавий тадбирлар туркумидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирларга филологлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирларни таклиф қилиш мумкин. Шу билан биргаликда жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

### **Ватан ягонадир, Ватан биттадир**

Диёрим Ўзбекистондир, ки андин ифтихорим бор,  
Демакким, хур адолатли давлати барқарорим бор,  
Онамдек меҳрибон, мунис Ватаним бор, ғамхўрим бор,  
Ватандан айри кўнгилни, билингки, яйратиб бўлмас,  
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

*Абдулла Орипов*

Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Дунёда ўзбекман деган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу азиз тупроқдир. Бу муқаддас заминда улуғ бобокалонларимиз ҳоки ётибди. Динимизда иймон, қалбларда “Ватанни севмоқлик – иймондандир” деган ҳикмат муҳрланиб қолган. Ватанни қуруқ мадҳ этиш бошқа-ю, Ватан туйғусини қалбдан ҳис этиш бошқа. Унинг муқаддаслиги ана шу ҳолда намоён бўлади.

Ватан моҳияти ичиндагу дуру жавҳарлардирки, жилоси Қултегин битикларидан тортиб, Алишер Навоий ғазалларигача, Жалолиддин Мангуберди шиддатидан бошланиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлиги, азму иродасигача, ундан бугунга - Президентимиз Ислом Каримовнинг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, деган пур маъно ҳикматларида ярақлаб турибди.

Ватан юракдадир. Инсон учун юрак нечоғли зарур ва азиз бўлса, Ватан ундан-да зарур ва азизроқдир. Машойихлар айтмишларки, “Тупроғига келдик, тупроғига кетурмиз”.

Бинобарин, озод ва обод Ватанда пок одамлар яшаши кишилиқ жамиятининг азалий орзуси, ақл ва идрокнинг, қалбнинг энг тотли, мўъжизавий тантанасидир. Бу тантана юз берса, шаксиз, Ватанга олий мақом ва беназир хослик бағишлайди. Уни ер юзидаги маёққа айлантиради. Илло, юртбошимиз биздан ана шу йўлдан юришимизни, собит ва

катъий қадам ташлашимизни истайди. Бу йўл бахтли истиқбол, комил инсонлар қўним топадиган, ҳеч кимдан кам қилмайдиган, Ватанимиз мазмунини юксалтирадиган фикратдир.

Мамлакатимиз Конституциясида “Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллати ва бошқа ҳолатларидан катъий назар тенг ҳуқуққа эгадирлар”, деб ёзиб қўйилган. Азизлар, озод ва обод Ўзбекистон, уни севмаслик, соғинмаслик, кадрламаслик, унга меҳр қўймаслик, у билан фахрланмаслик, зарур бўлса, унинг шаънини ҳимоя қилмаслик мумкин эмас. Ватан ҳамиша бизга куч ва ҳарорат бағишлаб туради. У она каби муқаддасдир.

Ўзбекистонда Ватанни мадҳ этмаган ижодкор бўлмаса керак. У ҳофизу бастакорга ҳам, ёзувчию журналистга ҳам илҳом бағишлаган.

Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф шеърларида Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳр ва фахр ҳамда ғурур туйғулари мужассамдир. Ватан мавзусининг янги қирраларини очиб берди.

Нормурод Нарзуллаев сўзлари билан айтганда:

Кўнгиллардан бошланар Ватан,  
Севиб, қучиб, яйрагил, кўнгил!  
Бағишласанг ўзинг жону тан,  
Ватан бўлиб қолади кўнгил!

Она–Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидай асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимиз маънавий мулкига айлантириш мақсадида: “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 апрелда Қарори чиқди.

Ватанни қуйлашдан мақсад уни қалбдан ҳис этишдир.

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловининг иштирокчиси Зоя Цой танлов ҳақида шундай дейди:

Мен шу юртда туғилдим, камол топдим. Ватанимга бўлган муҳаббатим чексиз. Фақат ташқи кўринишимгина корейс

миллатига мансуб эканлигимни эслатиб туради, холос. Умуман, мен ўзбекларни яхши кўраман. Хатто уларга бошқа бир миллат одамлари сифатида қарай олмайман. Ҳаммамиз ягона Ўзбекистон фарзандларимиз. Ижро этаётган кўшиғим “Кўз қароғим Ватан” (Нормурод Нарзуллаев шеъри).

Муқаддас Ватан ва муҳаббат мавзусига доир кўшиқлар катидан сизиб чиқадиган кечинмалар дарё сувлари каби шаффоф мавжлансагина, улар халқ қалбидан жой олади.

### **Президент Ислом Каримовнинг Ватан ҳақидаги фикрларидан намуналар**

Ватанимиз, халқимиз бахт-саодати учун ўзимиз курашайлик. Чунки келажак – ўзимизга керак. Ўшанда Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, ёруғ истиқбол йўлидан ортга қайтмайди.

\* \* \*

Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек, буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

\* \* \*

Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

\* \* \*

Биз она – Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

\* \* \*

Улуғ аجدодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

\* \* \*

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш – ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак.

\* \* \*

Ватанини ўз тукқан онасидек муқаддас билиш, саждагоҳдек тавоф қилиш, унинг олдидаги ўз фарзандлик бурчини адо этиш, бошига қандай синов тушмасин, киндик қони тўкилган юртини ҳимоялаш, унинг шон-шарафини улуғлаш, бир сўз билан айтганда, ёш авлодни элим деб, юртим деб ёниб яшаш руҳида тарбиялаш, вояга етказиш барчамизнинг ҳаётий эътиқодимизга айланишини хоҳлардим.

### **Ватан ҳақида**

Ватанни севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир!

*Исмоил Ғаспирли*

Ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасға ва ўлғунча айрилмасға керакдур.

*Маҳмудхўжа Беҳбудий*

Ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар.

*Абдулла Авлоний*

Ватан надир, тукқан ерим, турғон ерим,  
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.  
Ватан менга ҳақиқатда қўндоқ каби,  
Тарбиянинг негизини қўрғон ерим,



От-эшакда ўрдан-қирдан бугдой ташиб,  
Иссиқ ерда ўнғайсизлик қўрғон ерим  
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,  
Мангу ўйнар кўзда жавлон урғон ерим.  
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан.

*Сидқий Хондайлиқий*

Ватан муҳофазасин айлаюр ҳар имонлик,  
Бу сўзга мундариж инсонлику мусулмонлик,  
Ки, мард одама лойиқ деманг харосонлик,  
Чу ҳар қийин иши сўнгида бор осонлик,  
Чекилди уфқи Ватандин жаҳаннамий зулумот,  
У ён Ватан, у ён ортиқ кўринди субҳи нажот.

*Камий*

Боғ аро миллат боласи сайрасун булбул каби,  
Тез ҳижолатдин жўнасун, анда қолмасдин заған.  
Кеч гуноҳики Таваллони, Ватан, эзгу Ватан,  
Билди аслинг, қилди васфинг, бу Ватандандур бадан.

*Тавалло*

Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг  
тўлин ойм, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам,  
Қиблам ҳамда гулистонимдур.

*Фитрат*

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,  
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.  
Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,  
Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!...

*Чўлпон*

Тушса пул қўлига гар, соатга тўхтаб турмагай,  
Чунки нодонни қўлида мушти туфрокдур суман.  
Қодирий, наздингизга ўз ҳасратидан сўйлади,  
Айб этуб қилманг ҳақорат, мухтарам аҳли Ватан.

*Абдулла Қодирий*

Ватан туғилиб ўсган жой, тетапоя бўлган гўша, инсоннинг кадр топган, сийланган юрти. Биз Ватанни шундай севамизки, унинг иссиғи ҳам, совуғи ҳам, гармселу чанг-тўзонлари ҳам кўзимизга тўтиё.

*Д.Жумақулов*

Кўхинурдан кўхлигим,  
Онам – Ўзбекистоним.  
Ўзбекистон, ўзбеклигим  
Менинг олий унвоним.

*Муҳаммад Юсуф*

Ватан ота аждод, она аждодларимиз қалблари, руҳониятлари тўкилган муқаддас, биз учун яккаю ягона, улуғ, мўътабар, табаррук саждагоҳдир.

*А.Қутбиддинов*

Ватанни улуғлаш, унга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, номини кўкларга кўтариб, мадҳ этиш ҳар бир хонадоннинг шарафли бурчидир.

*К.Қаюмов*

Муқаддас бўлса гар Ватан туйғуси,  
Муқаддас сақлайлик аждодлар руҳин.  
Муқаддас бўлса гар элнинг келгуси,  
Қонларда жўш урсин бирлик шукуҳи.

*Ҳабиб Саъдулла*

Ватанни севмоқлик иймондан, дерлар,  
Мен ҳам сени шундай севгум, Ватаним.  
Жойладим номингни қалбим тўрига  
Ва ушбу шеъримни сенга атадим.

*У.Элмуродова*

## Шарифа Салимова Ватан хақида

Мен ХХІ асрга ана шундай улуғ Ватан, унинг улуғ халқи буюк тарихи ва такдири, барҳаёт илдизлари билан ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда қадам қўйдим.

Зеро, онамиз – Ватанимиз бу ёруғ оламда энг катта бойлик, икки дунё саодати, танҳо илинжимиздир.

### Ватан

Бир куни ё майса, гиёҳ бўламиз,  
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.  
Шоир қаламига сиёҳ бўламиз,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,  
Майсалар кипригин айлажакмиз нам.  
Ногоҳ хазон мисол тўкилганда ҳам,  
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!  
*(Шеър қисқартириб берилди)*

### Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг

Мен тоғларга бордим. Кибор тоғларга... Чўкқилари само тоқини ўпган. Ям-яшил арчалар пойига тунлар гўзал юлдузларин этаклаб тўккан... Мен тоғларга бордим. Кекса тоғларга. Бошлари ғамлардан оқариб кетган. Асрий овозларни, асрий сирларни бир ҳўплам ҳаводек бағрига ютган. Мен тоғларга бордим. Улуғ тоғларга... Вазмин нигоҳлари торттирган хушёр. Гуллар, капалаклар, қушлар, йўлбарслар мангу Ватан айлаб бўлгай бахтиёр. Бу не салқин ҳаво, жоним элитган, бу не сирли саслар, ўғирлар ҳушим! Ростини айтақол, жоним капалак, ғашингга тегмасми бунча келишим? Тинчингни бузмасми, эй гўзал оху, бу сирли хилқатдан излашим шеърлар? Дунёда бир ишқ бор куёшдек, боқий – уни Ватан дерлар, онажон, дерлар!

Теграмда чуғурлаб учади кушлар, қанотларин силкиб, вижирлаб иноқ, гўзал чуғуридан бир сир ўқийман:

– Дунёда Ватандан шеър йўқ гўзалроқ! Бири опам, дейди мени эркалаб, бири синглим дейди, рўмолим тортиб. Мунчок кўзларимда бир илинж ёнар: “Бизга шеър айтсангиз, Ватандин айтинг!”

\* \* \*

Ватан! Мен не дейин сени, онамми, Жоним дейми сени бўғзимда турган! Тушларимда келиб момо Тўмарис неча бор рўмолин бошимга илган. Ҳар сафар оқ ҳарир либосда келиб, жонимга туғёнлар индириб кетар. Бошларимни силаб, бир сўз айтмайин, ичимдаги қулни ўлдириб кетар. Кетар шамолларга қоришиб-ёниб, тулпор ёлларига осилар тинчим. Ҳилпираб эрк борар туғга айланиб: Ватандир дунёда танҳо илинжим! Ватан, мен не дейин сени, онамми? Жоним дейми сени бўғзимда турган? Эркнинг туғросини титроқ жонимга илк бор оқсоч момо – Тўмарис илган. Гулдурос солади тоғлар энтикиб, чакмоқлар қарсиллаб ёқарлар чироқ. Тоғу тош, майсалар ўқир саловат: дунёда Ватандин сўз йўқ улуғроқ! Осмон оқ булутин сутдек тоширар, мисдек қизиб борар Қуёшнинг юзи, Доронинг бошини қонга ботирар, муқаддас Ватаннинг муқаддас қизи. Оҳ, Ватан, онажон, уфққа қара, у мудом қизилдир, мудом қирмизи. Сени ғанимларга бермас, хўрлатмас, муқаддас қизларинг–муқаддас тузинг! Тушларимда келиб момо Тўмарис кўзларимга бокиб, жилмаяр хушхол, дейди: Бошгинангда ҳилпираб турган ипак рўмолингни қўлларингга ол! Қошимда депсиниб турар тулпор – Эрк, даштнинг шамолида терлари қотган, Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда, туёғига ғаним гулмихлар қоққан. Ипак рўмол ила кўзин артаман, ёлларини ўпиб, титрайди ичим. Инграма, жонивор, гулмихларингни тиш-ла суғуришга етади кучим. Жонимнинг ичидан қанд-новвот олиб, тўрвасига солиб, унга тутаман. Бойчиборга ўхшаб кетар у жуда, мен ҳам сал Барчинга ўхшаб кетаман. Ҳовуч-ҳовуч дуо узатар момо: кўксингда дарёлар тўлғонган пайтдир... Сен сўз айтар бўлсанг кекса момонга, уриб турган қалби – Ватандин айтгин!

\* \* \*

Ватан, оҳ, онажон, кўзим қароғи. Не савдо кечмади азиз бошингдан. Ҳар гал оғзинг ошга тегиб улгурмай, игна чиқаверди тушган ошингдан. Қирғинлар, боскинлар, дарё-дарё қон... Вайронанг устида базм қурганлар... Қара, гулханларга айланади Эрк: “Оқ кийинар уни кўрмак бўлганлар!” Ватан-Самандаркуш, қирқ йил қирғинда минг битта патидан бири куймаган. Тарих саҳифасин йўқдир вароғи маккор ёғийларнинг тиғи тегмаган... Чингизхон саҳронинг ёвуз илони, қисик кўзлари-ла туради боқиб... Қара, Жалолиддин, қон дарёсида волиданг-у, ёринг кетмоқда оқиб. Улар балиқларга ем бўлар балки, балки сув чечаги – мангу сўлмаган... Ватан-Самандаркуш, қирқ йил қирғинда минг битта патидан бири куймаган. Қара, Жалолиддин кўркувга солар ёғийни ўғлингнинг кўзидаги ўт. Талвасага тушиб, буюрар Чингиз: Боланинг юрагин итим есин... ит.

Эй худо, бўғзимни ёргудай фарёд, хотир осмонимдан чиқмоқда дудлар: Ватан, жоним Ватан, ўғлоним Ватан! Наҳот, юрагингни емоқда итлар? Тишлар орасидан чакиллайди қон. Тупроқнинг юзида қотиб қолар доғ. Шовуллаган боғлар, сиздан сўрайман: айтинг, юрагингиз қолдимикан соғ? Зомин тоғларида паришон юриб, жонимни минг турли ўтларга қордим. Бир чечакни суйиб, баргидан ўпсам, бир чайқалиб, титраб, инграб юборди. Наздимда арчалар қимирлаб кетди, чайқалиб кетгандай бўлди улкан тоғ. Боксам, юзларида юракдан кетмас, тишлар орасидан томган ўша тоғ... Менинг ҳам юрагим санчийди тинмай, кўксимга турналар келади қайтиб. Қўлларимни ушлаб инграйди чечак: Бизга сўз айтсангиз, Ватандин айтинг!

### **“Улуғимсан Ватаним” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар**

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан мақсад “Ўзбекистон”, “Ватан”, “Юрт мадҳи”, “Она-Ватан” каби мавзулардаги асарларга китобхонлар қизиқишини ошириш ва тарғиб этишдир.

Билимдонлар беллашувини ўтказишдан олдин китобхонлардан 8-10 кишидан иборат 2 та гуруҳ тузилади.

Беллашув ўқазиладиган жойда мавзунини акс эттирадиган китоб кўргазмасини ташкил этиш тавсия қилинади.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамыз.

1. “Жоним фидо Ватанга” шеърлар, қўшиқлар тўплами муаллифи ким ва қачон нашр этилган?

*(“Жоним фидо Ватанга” шеърлар, қўшиқлар тўплами Искандар Раҳмон қаламига мансуб, у 1999 йил Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган).*

2. Қайси Ўзбекистон халқ шоирининг Ватанни мадҳ этувчи алоҳида асарлари нашр этилган?

*(Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Халқ бўл, элим”, “Улугимсан – Ватаним”, “Ўзингдан қўймасин, халқим” каби шеърини тўпламлари нашр этилган).*

3. “Ватан – жону тан” эссесини ким ёзган ва қачон нашр этилган?

*(“Ватан – жону тан” эссеси У.Ўлдошнинг қаламига мансуб. Ушбу асар 2007 йилда “Янги аср авлоди” нашриётида нашр этилган).*

4. Қайси шоирларнинг Ватан ҳақида ёзган асарларини биласиз?

*(Тўлан Низомнинг “Ватан сурати”, Сирожиддин Саййиднинг “Ватанни ўрганиши”, Азим Суюннинг “Ватан фаслари” каби шеърини тўпламлари мавжуд).*

5. “Сизни Ватан эркалар”, “Юрт ишида ёнаман” асарларнинг муаллифини айтинг.

*(“Сизни Ватан эркалар”, “Юрт ишида ёнаман” асарларнинг муаллифи Ўзбекистон халқ шоири, “Шуҳрат” медали соҳиби Нормурод Нарзуллаев).*

6. Қайси шоир асарларида истиқлол ғояси, она-Ватанни озод ва обод кўриш истаги сатрдан-сатрга кўчган?

*(Ўзбекистон халқ шоири, таниқли жамоат арбоби, Абдулла Ориповнинг асарларида истиқлол ғояси, эл-юрт мустақиллиги, она-Ватанни озод ва обод кўриш истаги сатрдан-сатрга парвариши топиб, ажиб бир порлоқлик ҳосил қилади. Шоирнинг*

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Ўзбекистонда куз”, “Куз” каби XX асрнинг 60-йилларида ёзилган шеърларидаёқ истиқлол нурлари жилва қилгандек бўлади).

7. Келтирилган парча қайси шеърдан олинган ва уни давом эттиринг.

Гуллардек хилма-хил севгилар ичра  
Менда юрт севгиси ҳукмрон чоғи.  
Бағрига ҳар қанча бокмай, начора,  
Юрт васфидан қонмас кўнглим чанқоғи.  
Ватан эрки учун жондек тўлғонган  
Илдизлардан унган мен митти япроқ,

*(Юқорида келтирилган парча О.Жўраевнинг “Ватан севгиси” шеъридан олинган.*

Шеърнинг давоми:

Кимлигимни сўзлар рўйи жаҳонга  
Сўраганга мендан олдин шу тупроқ.  
Кошки карвонимни хушвақт кузатсам,  
Пок сақлаб боболар шаъни, номини.  
Авлодлар кўлига тўла узатсам  
Шу қуёш-эътиқод, Вафо жомини).

8. Ушбу келтирилган парча қайси шоиранинг қаламига мансуб?

Муқаддас остона, муқаррам тупроқ,  
Яхшилар йўлида сўнмаган чирок  
Кўркли кўкингдаги лочини болангман -  
Йўлаган қузғунга соламан титроқ.  
Юксак чўққидаги қоримсан, Ватан!

*(Келтирилган парча шоира Мунавваранинг “Ватан” шеъридан олинган).*

9. Ушбу келтирилган парча қайси мулрифнинг қаламига мансуб?

Ватан асли маҳалла, остонадан бошланур,  
Киндик қонинг тўкилган нурхонадан бошланур,  
Отажонинг алласи, таронадан бошланур,  
Униб-ўсган маконинг, қошонадан бошланур,  
Азиз она табиат, дурдонадин бошланур,  
Тўй, маърака, суҳбати жононадин бошланур.

Ватанимиз – онамиз, биз ишқида ёнамиз,  
Эртаю кеч қошида жон фидо, парвонамиз!

*(Юқорида келтирилган парча Искандар Раҳмоннинг “Ватанимиз – онамиз” шеърдан олинган).*

10. Келтирилган ушбу парча қайси шеърдан олинган?

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан судралиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман, ё бир содда касман мен.  
Парижнинг энг гўзал ресторанларин???  
Битта тандирингга алишмасман мен.

*(Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Ўзбекистон” шеърдан олинган).*

11. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг қайси қўшиқлари “Ўзбекистон – Ватаним маним” республика қўшиқ байрами кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаган?

*(Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг “Тўйларинг муборақ, Ўзбекистоним”, “Юрт ишқида ёнаман”, “Гўзал Ватаним”, “Эй она халқим”, “Ватан туйғуси”, “Ўзбекистон – дўстлик диёри”, “Диёр сеҳри, дилдор меҳри” каби дилрабо қўшиқлари “Ўзбекистон – Ватаним маним” республика қўшиқ байрами кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаб, ижодкорга катта шухрат келтирган).*

12. Куйидаги парча кимнинг шеърдан олинган?

Хурликка эришдик, ҳур яша, элим,  
Мунаввар ойларга из ташла, элим.  
Ўғлим деб атасанг бўлди бир бора,  
Бир кун поёнига етса-да йўлим,  
Не бўлсам бағрингда бўлайин, Ватан!

*(Юқорида келтирилган шеърий парча Шохруҳ Жўраевнинг “Жондан ҳам азизим, Ватан” шеърдан олинган).*

13. Келтирилган ушбу шеърий парча кимнинг шеърдан олинган?

Юлдузлар сен учун сочсин нурина,



Сенга ҳавас қилар бу ёруғ жаҳон.  
Ватан учун бергил қалбинг қўрини,  
Элим, деб, юртим деб яшасин инсон.  
(А.Тоғаевнинг “Эътиқод” шеъридан олинган).

Беллашувни ҳакамлар балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар ва эсдалик ҳамда гуллар топшириш мумкин.

### **“Ватаним Ўзбекистоним” мавзусида шеърхонлик беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар**

Шеърхонлик беллашувининг мақсади Ватан, Ўзбекистон, юрт мадҳида ёзилган шеърларга китобхонларни қизиқишларини оширишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин китобхонлардан 5 кишидан иборат жамоа тузилади. Беллашув ташкилотчилари қатнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадиладар. Ҳар бир қатнашувчи айтмоқчи бўлган шеърнинг муаллифи ва номини билиши шарт.

Шеърхонлик беллашувини ўтказиладиган жойда мавзуни акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этилишини тавсия қиламиз. Шунингдек, Ватан, Ўзбекистон, юрт қуйланган қўшиқлар видеотасмаларини ёки видеофильмлардаги қўшиқларни намоёйиш этиш мумкин.

Қуйида беллашувда айтиладиган шеърлардан намуналар келтирамиз.

**1-рақамдаги қатнашувчи:** Муҳаммад Юсуфнинг “Ватан” шеъри.

Эй менга эртаклар сўйлаган Замин,  
Эргашиб изингдан қолмасман сенинг.  
Ўзгалар наздида Боғи Эраминг  
Жийданг япроғига олмасман сенинг.  
Ватан, қайда бўлмай, сен ҳамроҳимсан,  
Боболарим ётар саждағоҳимсан.

Офтоб келин тушган боғларинг кўркам,  
Ялпизлар ястанган дала-дашtlаринг.  
Осмонга туташган октерак ўлкам,  
Кўнглимда ўзгача сайру гашtlаринг.  
Ватан, кадриM уйи-хонақоҳимсан,  
Боболарим ётар саждагоҳимсан.

Олтин бешик узра аллалар айтиб,  
Ҳамиша бедорим-онаизорим.  
Жилғаси жаранги тонгда уйғотиб,  
Юрагимга кириб келган баҳорим.  
Ватан, кунда боқиб тўймайин, кимсан -  
Оқ оғриниб ботар саждагоҳимсан.

*(Шеър қисқартириб берилди).*

**2-рақамдаги қатнашувчи:** Муҳаммад Юсуфнинг “Ватан, яғонасан” шеъри.

Боболар каломи тилимда дойим,  
Сен учун юрагим қўлимда дойим.  
Соғинаман юрган йўлимда дойим,  
Ватан яғонасан дилимда дойим.

Баҳорлар ўтади, ёзлар ўтади,  
Осмонни тўлдириб ғозлар ўтади,  
Ўзингдан ўзга сўз-созлар ўтади,  
Ватан, яғонасан дилимда дойим.

Бу ёруғ оламнинг жаннатлари бор,  
Ватандан бўлагин миннатлари бор.  
Жонингга жонимнинг пайвандлари бор,  
Ватан, яғонасан дилимда дойим.

Дунёлар ичида ўзинг бир дунё,  
Қўйинингда юрсам ҳам, гоҳо сир-дунё.  
Опам дейми сени, синглим дейми ё,  
Ватан, яғонасан дилимда дойим.

*(Шеър қисқартириб берилди)*

**3-рақамдаги катнашувчи:** Мирпўлат Мирзонинг  
“Қалбимдасан, Ватан” шеъри.

Кувон, дилингга нур-ирфонинг қайтди,  
Тилинг, дилинг қайтди, имонинг қайтди  
Хадис илмидаги султонинг қайтди,  
Қайтди номи ардоғларинг, Ватан!

Қайтди юртга бу кун аждодлар шони,  
Мурғак диллардадир улар туғёни.  
Ҳали лол қолдиргай жумла дунёни,  
Сенинг бу митти қароғларинг, Ватан!

Буюк толеинг бор – тўқис, беминнат,  
Хур насллар сен-чун баридан қиммат.  
Борлиқни гўзаллик қутқарур – ҳиммат  
Ва гўзалликдир яроғларинг, Ватан!

*(Шеър қисқартириб берилди)*

**4-рақамдаги катнашувчи:** Н.Нарзуллаевнинг  
“Шарафлайман диёримни” шеъри.

Тонг париси тарайди сочин,  
Осмонини қучади лочин.  
Киндик қоним тўкилган очун,  
Ўзбекистон – она-Ватаним!

Элим озод, топди ўз эркин,  
Бахт шамоли эсади эркин,  
Кўрсин дунё камолин, кўркин,  
Ўзбекистон – она-Ватаним!

Тавоф айлаб тупроқларини,  
Қалбга жойлаб булоқларини,  
Тарк этмасам қучоқларини,

Ўзбекистон – она-Ватаним!

Дилда иймон, дуолари бор,  
Даҳолари – донолари бор,  
Келажакка нидолари бор,  
Ўзбекистон – она-Ватаним!

*(Шеър қисқартириб берилди)*

**5-рақамдаги қатнашувчи:** Н.Нарзуллаевнинг “Ватанни сев!” шеъри.

Инсон учун муқаддас ер ҳар гўша,  
Фарзанд бўлсанг, халқинг билан бўл, яша  
Хизмат айла қалбинг билан ҳамиша.  
Ватанни сев, Ватанни сев, Ватанни...

Қалбдан қутла ҳур ўлкангнинг тонгини,  
Дилга жойла камалакнинг рангини,  
Оламга ёй озод меҳнат бонгини,  
Ватанни сев, Ватанни сев, Ватанни...

Бугуни ҳам, келгуси ҳам – бизники,  
Қайғуси ҳам, кулгуси ҳам – бизники,  
Тумани ҳам, ёғдуси ҳам – бизники,  
Ватанни сев, Ватанни сев, Ватанни...

Бошга кўтар азиз элнинг мардини,  
Кўзингга сурт тупроғини-гардини,  
Меники де шодлигини дардини,  
Ватанни сев, Ватанни сев, Ватанни...

*(Шеър қисқартириб берилди)*

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан  
яқунлайдилар. Бунда айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам  
эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари,

ёзувчи ва шоирлар, журналистлар таклиф этилади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

## **“Ўзбекистон – жонажон Ватаним” мавзусида китоб-суратли кўргазма ташкил қилиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

### **1. Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!**

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанни севиш, суйиб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг буюк бахтдир.

*Ислом Каримов*

Бу бўлимда она юртимиз Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш ғояларини акс эттирувчи нашрлар ва манбалар намойиш этилади.

### **2. Сен азиз Ватаним – Ўзбекистоним**

Сен азиз Ватаним – Ўзбекистоним,  
Истиклол йўлида собит полвоним,  
Тақдирим, икболим, шавкатим, жоним,  
Улуғ Осиёда пўлат кўрғоним.

*Ҳамид Ғулом*

Бу бўлимдан шоирларимиз ва шоираларимиз томонидан қаламга олинган она-Ватанга муҳаббат ва садоқат,

Ўзбекистонни мадҳ этувчи, ғурур ва ифтихор каби олийжаноб туйғуларни акс эттирилган асарлари намойиш этилади.

### **3. Ватан менинг саодатим**

Мустақиллик шаббодаси жар элимда,  
Она каби муқаддасдир Ватан туйғуси.  
Элга хизмат меҳри ёнар мангу дилимда,  
Қуёш каби сўнмас асло халқим севгиси!

*Нормурад Нарзуллаев*

Бу бўлимга Ватанга ва жонажон юртимиз Ўзбекистонга садоқат руҳида ёзилган бадий наشرлар ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган манбаларни қўйиш мумкин.

### **4. Қўшиқларда куйлай Ватанни**

Сен шохлари осмонларга  
Тегиб турган чинорим.  
Ота десам,  
Ўғлим деб,  
Бош эгиб турган чинорим.  
Кўнглимдаги ифтихорим,  
Қўйнимдаги туморим,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним.

*Муҳаммад Юсуф*

Бу бўлимда Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук қўшиқларнинг матнлари намойиш этилади.

**Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс  
марказларида ўтказилиши мумкин бўлган  
тадбирлар туркуми**

**Китобхонлар конференцияси**

1. “Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!”.
2. “Шу азиз Ватан – барчамизники”.
3. “Ватан юракдан бошланади”.
4. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” каби мавзуларда.

“Тупроғингда олтин гуллаган Ватан!”, “Ўзбекистон Ватаним”, “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Мавзули кеча**

1. “Ўзбекистон шоирлар талқинида”.
2. “Ватан ва миллат муқаддасдир”.
3. “Ватан – қиблагохдир, саждагохдир”.
4. “Мустақил Ватаним – Ўзбекистоним” каби мавзуларда.

“Кўксимиз қалқон сенга, Ватан”, “Яйрагай жоним менинг сен бирла ҳар оним, Ватан”, “Ҳаётбахш заминим, осмоним – Ватан”, “Сен – Ватаним маним” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Адабий-бадий мусиқали кеча**

1. “Кўшиқларда куйлай, Ватаним, сени”.
2. “Кўшиқларда куйлай, Ўзбекистоним, сени”.
3. “Яғонасан, муқаддас Ватан”.
4. “Мен таъзим этай она-Ватанимга”.
5. “Улуғлардан улуғимсан – Ватаним” каби мавзуларда.

“Ўзбекистон – она Ватаним!”, “Шарафлайман Ўзбекистонимни”, “Келажаги буюк Ўзбекистоним”, “Ватаним меҳридан баланд парвозим”, “Номингни юракка нақш этдим, Ватан” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Билимдонлар беллашуви**

1. “Жонимда яшайди Ўзбекистоним”.

2. “Сени дерман, Ватаним”.
3. “Ватанни аслида Ватан қилганлар”.
4. “Ўзбекистон мавзусида ёзилган шеърларни биласизми?” каби мавзуларда.

“Ўзлигинг муборак, она-Ватаним”, “Истиқлолинг муборак, Ўзбекистоним”, “Тинчликсевар Ўзбекистон”, “Ватанинг сев, ўғлоним” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Давра суҳбати**

1. “Эркин Воҳидов ижодида Ватан, юрт, Ўзбекистон мавзуларининг қаламга олинаши”.
2. “Адабиёт майдонида кириб келаётган, ёш қаламкашлар ижодидида Ватанинг улуғланиши”.
3. “Ватанни улуғлаб ёзилган бадиий асарлар”.
4. “Ватанни севмоқ иймондандир” каби мавзуларда.

“Ватанни севайлик”, “Ватаним доим кулсин бошингда омад”, “Ўзингдан ўргилай она-Ватаним” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

### **Учрашув кечаси**

Ор-номус, кадр-қиммат, ғурур ва ифтихор, она-Ватан, Ўзбекистонни, миллат тақдирини мадҳ этиш ғояларини улуғлаш билан ижод қилган шоирларимиз ва ижодкорлар томонидан яратилган қўшиқларни моҳирона куйлаган санъаткорлар –

#### ***а) шоир ва шоиралар билан учрашув:***

1. Абдулла Орипов
2. Эркин Воҳидов
3. Азим Суюн
4. Шарифа Салимова
5. Сирожиiddин Саййид

#### ***б) санъаткорлар билан учрашув:***

1. Ғуломжон Ёқубов
2. Зулайҳо Бойхонова



3. Ғиёс Бойтоев
4. Озодбек Назарбеков
5. Фаррух Зокиров
6. Дилфуза Раҳимова

### **Савол-жавоб кечаси**

1. “Ватан олдидаги бурчингиз ва вазифангизни биласизми?”
2. “Ватанни севмоқ иймондандур”.
3. “Ватан тушунчасини сиз қандай таърифлайсиз?”
4. “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” каби мавзуларда.

“Ватан мадҳи”, “Ватан ягонадир”, “Улуғимсан, Ватаним”, “Онамга ўхшайди менинг Ватаним”, “Номингдан ўргилай, Ўзбекистоним” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

## Адабиётлар

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 б.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.-Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-366 б.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз.-Т.8.-Т. Ўзбекистон, 2000.-528 б.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.-Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-432 б.

Каримов И.А.Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қаймайди.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-46 б.

Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-64 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-683 б.

Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-61 б.

\* \* \*

Абдиназаров С. Ўзбекистон, сени ўйлайман: Шеърлар.-Қарши: Насаф, 1998.-27 б.

Бобомурод Бобур. Элим бўлди давлатли: Шеърлар.-Т.: Ўқитувчи, 1998.-24 б.

Бойқобилов Б. Ўзбекнома: тарихий-фалсафий ва маънавий-маърифий дoston.-Т.: Шарқ, 1999.-848 б.

Бўриев О. Ғурурли миллат тимсоли: қасида-doston.-Т.: Меҳнат, 1997.-46 б.

Ватан саодати: Миллий мафкура ва тараққиёт масалалари /Тўплаб нашрга тайёрловчи ва муҳаррир А.Мелибоев.-Т.: Шарқ, 1998.-208 б.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч /Тузувчилар: И.Ю.Иноятов, М.Х.Абилов.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-237 б.

Ватанни севмоқ иймондандир: Афоризмлар, ҳикматли сўзлар ва адабий тарихий - чизгилар /Тўпловчи Н.Зойиров.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.-64 б.

- Дадаш Шукур. Жонимда яшайди Ватан: Шеърлар.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-118 б.
- Зарипова О. Юрт кўшиқлари: Бадиа, эссе ва очерклар.-Т.:Ўзбекистон, 2007.-224 б.
- Йўлдош У. Ватан – жону тан: Эссе.-Т.: Янги аср авлоди, 2007.-136 б.
- Нарзуллаев Н. Халким, сен билан қалбим!: Шеърлар, кўшиқлар, тўртликлар /Масъул муҳаррир Азим Саид.-Т.: Янги аср авлоди, 2000.-179 б.
- Нарзуллаев Н. Юрт ишқида ёнаман: Шеърлар, кўшиқлар.-Т.: Ёзувчи, 1996.-48 б.
- Низом Тўлан. Ватан сурати: Шеърлар ва достонлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.-360 б.
- Раҳмон Искандар. Жоним фидо Ватанга: Шеърлар, кўшиқлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.-69 б.
- Рўзиева З. Ватан, сен, эй офтобим: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-28 сент.
- Саййид Сирожиддин. Ватанни ўрганиш: Шеърлар.-Т.: Чўлпон, 1996.-64 б.
- Салимова Ш. Тонгга қасам: Бадиалар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-205 б.
- Саъдулла Ҳабиб. Истиқлол достони.-Т.: Ўқитувчи, 2006.-64 б.
- Суюн Азим. Ватан фасллари: Шеърлар ва достон.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-193 б.
- Умаров Н. Ватан ишқи: Шеър, мақола. –Андижон: Ҳаёт,-24 б.
- Юсуф Муҳаммад. Улуғимсан, Ватаним: Шеърлар.-Т.: Ижод дунёси, 2004.-192 б.
- Юсуф Муҳаммад. Халқ бўл, элим /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н.Саломова.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-208 б.
- Юсуф Муҳаммад. Ўзингдан қўймасин, халқим: Шеърлар.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-103 б. - (Шеърят бўстони).
- Ҳаётхон. Хумолари қайтган юрт: Шеърлар.-Т.:Ёзувчи, 1999.-71 б.

\* \* \*

- Абдуллаев М. Ватан шаъни: [Миллий туйғу ҳақида ўйлар] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2003.-7 март.
- Абдурахмон Жўра. Юрак ардоғида яшайди Ватан: Туйғу //Қишлоқ ҳаёти.-2001.-23 февр.
- Абдусаломов О. Кўзим қароғига жойланмиш Ватан //Холис.-2007.-14 июнь.
- Анвар Юнус. Ватан: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-21 сент.
- Аширбеков У. Ватан тупроғи: Шеър /Г.Матёкубова тарж. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-5 июнь.
- Ашуров С. “Ўзбекистон – Ватаним маним”; Ҳеч кимга бермайман сени...; Алпомиш авлодлари: [Она-Ватанга муҳаббат ҳақида] //Туркистон.-2000.-7 июнь.
- Аъзам Эркин. Бизнинг Ватан: [“Янги Дунё” дафтарида бир лавҳа] //Халқ сўзи.-1996.-29 март.
- Бозорбоев А. Маҳаллам: Ҳизр бува ариғи: [Ватан сийрати] //Холис.-2007.-16 авг.
- Ватанни куйлаш қувончи //Тошкент оқшоми.-2002.-16 авг.
- Воҳидов Э. Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст: Шеър //Хабар.-2005.-26 авг.
- Воҳидов Э. Ватан қадри: Шеър //Ўзбекистон овози.-2006.-23 дек.
- Дурдиева Г. Дилларда Ватан мадҳи //Тошкент оқшоми.-2004.-3 авг.
- Дурдиева Г. Қўшиқларда Ватан мадҳи //Тошкент оқшоми.-2004.-27 май; Тошкент ҳақиқати.-2004.-26 июнь.
- Ешмуратов Б. Энг муқаддас неъмат: [Ватан туйғуси ҳақида] //Ўзбекистон овози.-2006.-26 дек.
- Жамилова Б. Ватанни англаш саодати: [Ватан туйғусининг муқаддаслиги ҳақида] //Халқ сўзи.-2004.-9 янв.
- Жонихонов М. Истиклол берган имконият: [Ватанпарварлик ҳақида] //Халқ сўзи.-2008.-8 июль.
- Жумақулов Д. Мен нечун севаман Ўзбекистонни?: [Ватан қадри] //Жамият.-2007.-23 март.
- Жўраев О. Ватан севгиси: Шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-3 июль.

Жўраев Ш. Жондан ҳам азизим, Ватан: Шеър //Ёшлик.-2007.-№ 4.-Б.40.

Истамов А. Истиқлол мадҳи: Шеър //Хабар.-2008.-29 авг.

Кулчиева О. Ёш санъаткорлар намоиш этадилар //Театр.-2005.-№6.-Б.42.

Мирзо Мирпўлат. Қалбимдасан, Ватан: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-7 сент.

Мирзо Минҳожиддин. Гиёҳлардан сўрдим сенинг таърифинг: Шеър //Ёшлик.-2007.-№4.-Б.56.

Мунаввара. Ватан: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-22 май.

Назарова М. Боримсан, оримсан, жонимсан, Ватан //Туркистон.-2007.-1 сент.

Норматов И. Бу ёруғ оламда Ватан биттадур: “Ватанни севмоқ – иймондандур” деган ҳикматли сўз ҳақида – Ватаннинг улуғлиги ҳақида] //Моҳият.-2007.-30 нояб.

Норматов И. Оламни маҳлиё айлаган диёр //Жамият.-2007.-31 авг.

Норматов Ш. Ватан шаъни – муқаддас: /Миллий кадриятимиз //Халқ сўзи.-2006.-27 апр.

Норқобил Қўчқор. Ватан туйғуси: Публицистика //Ўзбекистон овози.-2007.-1 февр.

Норқобил Қўчқор. Киндик қоним томган тупроқ – илдим...: [Ватан ҳақида] //Даракчи.-2007.-6 сент.

Орипов А. Ватан учун яшайлик: Шеър //Адолат.-2007.-2 март; Ватанпарвар.-2007.-2 март; Халқ сўзи.-2008.-9 авг.

Орипов А. Ватан фарзанди: Шеър //Ёшлик, 2008.-№1.-Б.2.

Раҳмонов И. Ватан: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-12 июнь.

Саййид Сирожиддин. Ватан: Шеър //Шарқ юлдузи.-2007.-№5.-Б.62; Халқ сўзи.-2007.-27 сент.

Саййид Сирожиддин. Ватан десам; Бу дунёнинг айвонлари нурга талаш: Шеърлар //Саодат.-2002.-№ 6.-Б.1.

Саййид Сирожиддин. Сени яхши кўраман, Ватан! //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-31 авг.

Салимова Ш. Юрак меҳробида Ватан: Шеър //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-12 апр.

Сафаров М. Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!  
//Халқ сўзи.-2008.-16 янв.

Улугова М. Қўшиқларнинг гултожи Ватан ҳақидадир  
//Ўзбекистон овози.-1995.-9 янв.

Усмонова Г. Дилимдасан, азиз юртим //Тошкент оқшоми.-  
1996.-17 май.

Усмонова Н. Ватанни куйлаш бахти //Халқ сўзи.-2002.-20  
авг.; Ватанпарвар.-2002.-20 авг.; Ишонч.-2002.-20 авг.;  
Ўзбекистон овози.-2002.-20 авг.

Хонимқулов А. Пойингга кўкламни бошлаб келаман: /Ватан  
суратига чизгилар //Халқ сўзи.-2007.-7 март.

Эй, менга дарёдай дил берган Ватан: [Мустақилликдан  
олдинги ва кейинги Ватан ҳақидаги гурунглари] //Хуррият.-2008.-  
30 июль.

Эрназаров Э. “Ўзбекистон Ватаним маним” //Халқ сўзи.-  
2003.-14 авг.

Юсуф Муҳаммад. О, ота маконим, онажон ўлкам; Ўзингдан  
қўймасин, халқим, Ўзбекистон: [Шеърлар] //Шарқ юлдузи.-  
2007.-№2.-Б.138-139.

Юсуф Муҳаммад. Ўзбекистон: Шеър //Ватанпарвар.-2006.-22  
сент.; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-24 апр.

Ўроқова Н. Юрак – соғинч Ватани: Шеър // Ўзбекистон  
адабиёти ва санъати.-2009.-5 июнь.

Қутбиддинов А. Ватан юракдан бошланади //Халқ сўзи.-  
2008.-18 янв.

Қўшиқлар Ватанни шарафлайди //Театр.-2005.-№5.-Б.45.

Ғайрат Мажид. Ватан: Шеър //Моҳият.-2007.-8 июнь.

Ҳамидова С. Санъат ғунчалари дилдан куйлашди:  
[“Ўзбекистон – Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақида]  
//Тошкент оқшоми.-2005.-6 май.